Абу Бакр ал-Хоразмий 323 хижрий (935 милодий) йили Хоразмда тугилиб, илк таълимни шу ерда олади. Умрининг гуллаган даври-а (20-25 ёшларида) ватандан чикиб, Ирок ва Шомга боради, етук олим ва шоирлар билан танишиб, улардан таълим олади. Кейин Халабга бориб, машхур Хамдамийлар амири, шоир ва олимлар хомийси Абулхасан Сайфуддавла (944-967) билан танишиб, унинг саройида хизмат килиб, сўнг Бухорога келади, Сомонийлар саройда яшаб, вазир Абу Али ал-Балъамий (960-974 ва 992-996) билан дўстлашади, лекин у билан муносабати ёмонлашиб, Нишопурга йўл, ола-ди. Бу ердаги таникли шоирлар Абулхасан ал-Казвиний, Абу Мансур ал-Багавий ва Абулхасан ал-Хакамийлар билан дўстлашиб, уларнинг шоирлик махоратидан бахраманд бўлади. Умуман Хоразмийнинг умри фожиалар ва рохатбахш этувчи онларга тўла. У турли шахарларда бўлиб, камокда хам ётиб чикади, амирларнинг эътиборига тушиб бойлик хам орттиради, амалдорларнинг газабига учрайди ва х. к. Абу Бакр ал-Хоразмий Нишопурга келиб, бу ерда муким яшай бошлайди. Талабаларга сабок беради, шеър ёзишни ўргатади, нишопурлик машхур адиб, шоир ва олимлар, шулар катори ас-Саолибий билан дўстлашиб, уларнинг мажлисларида иштирок этади. Яна Сомонийлар вазири ал-Утбий сикувидан кутилиш учун кочишга мажбур бўлади. Шоир бир неча вактдан сўнг яна Нишопурга кайтади, умрининг охирида яккаланиб колади ва хаётининг кейинги даври огир мусибатлар билан ўтади. У хижрий 383 (милодий 993) йили Нишопурда вафот этади.

Абу Бакр ал-Хоразмийнинг адабий меросидан араб тилидаги катта девони ва «Рисолалари» бизгача етиб келган. Абу Бакр ал-Хораз¬мий «Рисолалари» X аср насрий адабиётининг машхур ёдгорлиги хисобланади. Тил ва услуб жихатдан нихоятда пухта ишланган бу асар сажъ (кофияли наср) билан ёзилган бўлиб, шоир замонасидаги машхур кишилар: амир, вазир, лашкарбоши, кози, амадцор, факихларга, адиб ва тилшунос олимларга, яъни ал-Хоразмийнинг дўстлари ва хомийларига ёзилган хатлардир. Рисолалар мазмуни тур¬ли байрамлар, юкори мартабага кўтарилиш ва бирор муваффакиятни кўлга киритиш, ўлим, мансабдан четлатилиш, касаллик ёки уруш хавфи каби муносабатлар билан табрик ёки кайгу изхор этиб, тасалли бериш, тухфалар учун ташаккур айтиш кабилардир. Рисолалар орасида ал-Хоразмийнинг ўз шогирдларига ёзган мактублари хам кўплаб учрайди.

Ал-Хоразмий рисолаларининг аксарияти илм-фан, акл-одоб, адолат, химмат, дўстлик каби мухим ижтимоий масалаларга багишлан¬ган бўлиб, уларда кўлланган иборалар халк хикматли сўзларига айланиб кетган.

Шоир рисолаларидан манбаларда келтирилган баъзи бир парчалар таржимасини берамиз: «Хурмат эхсон билан баробардир... Дўстлашиш мурожаат эмас, хушмуомалаликлар, хушмуомалалик эса чукур текшириш ва ўрганишни узокка чўзмайди хам, хисоб ва сарфни кўтармайди хам. Карамли киши тахкирланса хам азиздир... Сабабсиз узр гунохдир, ишонч йўколиши билан килинган такаллуф хакоратдир. Эхтиётсиз (килинган) дори-дармон касалликдир, унга хожат тушгандагина, у шифо бўлади... Олижаноб киши агар (биров) жарохатланса, (уни) боглаб кўяди, йиртса — ямайди, агар бир томондан зарар келтирса, хар томондан фойда келтиради... Олийхиммат зафарининг каромати (шундаки), агар кўлга киритса, (бошкаларга) бе¬ради, пасткаш зафарининг кабихлиги шундаки, агар кўлга киритса, кўпрок кўлга киритишни истайди... Оталар ики хил: тугилиш отаси ва таълим бериш отаси, биринчиси жисмоний

хаёт сабаби, иккинчиси рухий хаёт сабабидир... Карамли киши гўзаллик билан савдо килади, мол билан савдо килмайди... газабли хурматни унутади, ях-шиликларни кўмиб юборади ва гунохсизлар учун жиноятлар вужудга келтиради. калбаки макташ хакоратлашдир. Пойдеворсиз курилган бино кулайди... Мухаббат хар кандай киммат нарсанинг бахосидир ва хар кандай юкори нарсанинг шотисидир... Агар хокимият атрофида адолат хукм сурмаса, у инкирозга юз тутади... Ростгўй тил ёлгон сўзласа, тутилиб колади».

Яна бир бошка рисоласида шундай ёзади: «Одамлардан шундайлари борки, (хокимиятни) бошкарганда, нафси уни амалдан туширади, одамлардан шундайи борки, лавозимдан бўшаганда, фазилати уни яна ўрнига ўтказади», «Кимки одамлар калбларини овлайман деса, унга эхсон ва мурувват донларини сепиши, фазл ва олижаноблик тузокларини кўйиши керак».

Ал-Хоразмий шеърлари асосан касида, газал, васф ва хажвиётдан иборат. Агар унинг касидалари амир ва вазирларга багишланган бўлса, хажвий шеърлари эса асосан амалдорларга хамда ўз ракиби шоир ва адиб, макома жанрининг асосчиси Абулфазл ал-Хамадонийга (вафоти 1007 й.) карши каратилган. Ишкий мисралар, махбубни тараннум этиш хам ал-Хоразмий ижодида асосий ўринни эгаллайди.

Унинг шеърларига хос нарса шуки, шоир тазминни (ўз шеърига бошка шеърни киритиб кетиш) жуда кўп кўллаган.

Ўша вакт шоирларида кексаликдан шикоят килиш жуда кенг таркалган эди.

Ал-Хоразмийнинг хам кариликдан нолиб ёзган шеърлари анча учрайди. Масалан: «Соч окидан шикоят килиб, унга зулм килаётганингни кўриб турибман, соч оки бир экин (бўлса), унинг уруги умрдир. У гўё шароб, хумор уни ўзига жалб килади, ахир хумори хажв килиниб, шароб макталарди-ку».

Ал-Хоразмий ижодида шаробни мактаб ёзилган шеърлар хам учрайди, лекин шоир майнинг киши хаёти учун зарарли эканини хам унутмаган:

«Коса ва чўнтакнинг иккаласини (баробар) тўлдиришга хукм килмаган, косани тўлдириш учун чўнтак бўшатиш керак», дейди шоир.

Жамият учун иллат бўлган ишёкмас, дангаса кишилар хакида ёзар экан, улардан хазар килишга даъват этади:

«Дангасанинг хожатида унга хамрох бўлма, канча солих кишилар бошканинг фасоди билан бузилиб кетмадилар». Бошка бир шеърида ёзади:

«Улуг одам кичик одамнинг сухбати билан кичик бўлмайди, бал¬ки кичик одам улуг одам хизматида улуг бўлади». Яна бир шеърида:

«Икки нарса кишида бирлаша олмади: динорларга мухаббат ва дўстга мухаббат». Бошкасида:

«качон замонани койисанг, сабр килувчини койиган бўласан, сен йиглайсан, койилаётган (замона) эса кулади» в. б.

Абу Бакр Мухаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмийнинг бой ижодий мероси барча Шарк ва гарб олимлари томонидан кизгин ўрганилган ва ўрганилмокда.

Ас-Саолибий «Йатимат ад-Дахр» асарида ал-Хоразмий хакида махсус тўхтаб, уни «Замонасининг энг доноси, одоб денгизи, наср ва назмнинг туги, фазл ва идрок оламидир. Ажойиб ва ибратли балогатни (ўзида) мужассамлаштирганди», деб таърифлайди.

Ас-Саолибий ал-Хоразмийнинг ўз мулохазасининг ўткир, гўзал ва ишонарли бўлиши билан хар кандай йигилишда голиб чикиши, унинг рисолалар девони жилдларга

ажратилиб кенг таркалган, шеърлар девони хам худди шундайлигини алохида таъкидлаб ўтади.
Ўрта аср муаллифлари Утбийнинг «Тарихи ал-Йамини», ибн ал-Асирнинг «Комил фи-тарих», ибн Халликоннинг «Вафайат ал-аъй-ан» ва каххрлнинг «Муъжам ал-муъаллифин» каби асарларида Абу Бакр ал-Хоразмий асарларига юкори бахо берилиб, у хакида ким-матли маълумотлар келтирилгандир.
Шунингдек,, ал-Хоразмийнинг хаёти ва ижоди хакида Оврўпо олимлари В. Альвардт, К. Брокельман, Х. Гибб ва бошкалар ўз ишиларида эслаб ўтишган.
Абу Райхон Беруний ўз ижодида ал-Хоразмийнинг бой ижодий меросидан кенг фойдаланган.
Ал-Хоразмий Марказий Осиёда Х аср адабий хаётидаги араб тилида ижод этган машхур адиб хамда сўнгги бадиий жараёнга катга таъсир кўрсатган ижодкор сифатида тилга олинади.

И. Элмуродов